



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

SPORTDA VA YOSH AVLOD JISMONIY TARBIYASIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

Respublika ilmiy retsenziyalangan
onlayn-konferensiya

MATERIALLARI



29-sentabr 2021-yil

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**СПОРТДА ВА ЁШ АВЛОД ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СПОРТЕ И ФИЗИЧЕСКОМ
ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ**

**INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN SPORT AND PHYSICAL
EDUCATION OF YOUNG GENERATION**

**Республика илмий рецензияланган онлайн-конференция
2021 йил 29 сентябрь**

Бухоро - 2021

rollarini bajarib, ularning o'yinchilarga nisbatan qabul qiladigan qarorlarini, o'zini qanday tutish va qanday hatti-harakat qilishni ko'rsatadi. U o'quvchilarda ularga beriladigan harakatli topshiriqlarga nisbatan juda barqaror qiziqish va emotsional munosabatning vujudga kelishi hamda saqlanishi haqida g'amxo'rlik qiladi. Bu topshiriqlar bajarilishi uchun zarur qarorni izlashga yo'naltirilgan tafakkur aktivligini talab qiladi. (Masalan, yurish, yugurish va sakrashlarni navbati bilan bajarishda quyidagi topshiriq beriladi: harakatlarni almashtirish uchun signal formasini o'ylab topish, ularni almashtirib turish tartibini taklif etish va nega undoq emas, bundoq bajarish sabablarini keltirish va boshqalar).

Tajriba shuni ko'rsatadiki, o'quvchilarga bunday mashqlar (elementlar va bajarilishi oson mashqlar), shuningdek ularni egallangan bilim va harakat ko'nikmalari (harakatlar texnikasi va ularni bajarish usullari, fazoda mo'ljal olish, mashg'ulotlarda harakatlarning almashinib turishi va hokazo) asosida qiziqarli hal qilish taklif etilganda ular aktivlik va ishtiyoq namoyon qilishlarini ko'rsatmoqda.

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАЯНЧ ВА ФАНГА ДОИР КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ДУНЁ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТБАРДОШ
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ.**

10.53885/edinres.2021.26.96.020

Арслонов Қахрамон Полвонович

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

Музафарова Феруза Бахридиновна

Бухоро давлат университети, Бухоро, Ўзбекистон

**ПОДГОТОВКА КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ В МИРОВОЙ СИСТЕМЕ
ОБРАЗОВАНИЯ ЧЕРЕЗ РАЗВИТИЕ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ И НАУЧНЫХ
КОМПЕТЕНЦИЙ УЧЕНИКОВ.**

Арсланов Кахрамон Палванович

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

Музафарова Феруза Бахридиновна

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан

**TRAINING OF COMPETITIVE PERSONNEL IN THE WORLD EDUCATION SYSTEM
THROUGH THE DEVELOPMENT OF FUNDAMENTAL AND SCIENTIFIC COMPETENCIES OF
STUDENTS.**

Arslanov Kakhramon Palvanovich

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

Muzafarova Feruza Bakhridinovna

Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

Аннотация: Ушбу мақолада жаҳон таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тарбиялашда компетенциявий ёндашув асосида таълим бериш бугунги давр талаби эканлигини кўрсатиб, Янги Ўзбекистон Стратегияси ва Учинчи ренессансни қуриш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда компетентли ёшларни тарбиялашнинг ўрни ва стратегик йўналишлари ёритилган.

Калит сўзлар: модернизация, компетенция, узлуксиз таълим, инновацион фаолият, интерфаол методлар, PISA, PIRLS, TIMSS, ноананавий таълим, замонавий таълим технологиялари, самарадорлик, стратегия, Учинчи ренессанс.

Аннотация: В данной статье освещаются роль и стратегические направления воспитания компетентной молодежи в реализации задач, поставленных Новой стратегией Узбекистана и Третьим Возрождением, и показано, что образование,

основанное на грамотном подходе к воспитанию конкурентоспособных кадров в глобальной системе образования, является современным требованием.

Ключевые слова: модернизация, компетентность, непрерывное образование, инновационная деятельность, интерактивные методы, PISA, PIRLS, TIMSS, нетрадиционное обучение, современные технологии обучения, эффективность, стратегия, Третье возрождение.

Annotation: This article highlights the role and strategic directions of educating competent youth in the implementation of the tasks set by the New Strategy of Uzbekistan and the Third Renaissance, and shows that education based on a competent approach to raising competitive personnel in the global education system is a modern requirement.

Key words: modernization, competence, continuing education, innovation, interactive methods, PISA, PIRLS, TIMSS, non-traditional learning, modern learning technologies, efficiency, strategy, Third revival.

Жаҳонда модернизация жараёнлари тобора кенгайиб бораётганлиги сабабли ижтимоий-сиёсий ҳаёт кескин даражада ривожланмоқда. Бу эса ўз навбатида дунё меҳнат бозарига интеллектуал ривожланган, жисмонан етук, дунёвий ва илмий илмларни чуқур биладиган, Ватанига содиқ, ижодкор, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ўз касбининг жонкуяр ҳамда фидойи мутахассисларини тарбиялашни тақозо этади. Келажакда таълим тизимида, ижтимоий-сиёсий ҳаётда вужудга келадиган муаммоларни оқилона еча оладиган шахсларни вояга етказиш устивор вазифа этиб белгиланган. Шунга кўра, жаҳон таълим тизимида ўқувчиларга таълим бериш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, янги инновацион педагогик технологиялар орқали стратегик дастурлар амалга оширилмоқда. Таълим олувчиларда таянч ва мутахассислик фанларига нисбатан таянч ва фанга доир компетенцияларини ривожлантириш бўйича таълим технологияларини ишлаб чиқиб, педагогик жараёнда қўллаб келмоқда. Айниқса, жаҳон таълим сифати ва даражасини аниқлаб берувчи “PISA” [4] (Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), “PIRLS” [5] (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), “TIMSS” [6] (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби қатор халқаро дастурлар амалга оширилиб, улар дунёнинг етакчи давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги асосий мезон сифатида кенг қўлланилмоқда. Ушбу дастурларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни ташкил этишдан мақсад дунё болаларининг таълим стандартлари бўйича нафақат билим, кўникма, малакалари тадқиқ этилмоқда, балки ўқувчиларнинг ушбу билимларни кундалик ҳаётда қўллай олиши, улар замирида ижодий ёндашиб маълум бир муаммоларни ҳал этиши, мустақил фикрлаб мақбул қарор қабул қилиши, ўз устида ишлаши, ҳамкорлик қила олиши, илм-фан ютуқларидан оқилона фойдалана олиш каби таянч компетенцияларга эгалликлари ўрганилмоқда ва таҳлил қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иқтисодий-сиёсий, таълим соҳасида дунёнинг етакчи индустриал мамлакатлари қаторидан ўрин олишни мақсад қилиб қўйган экан, энг аввало Ўзбекистон келажаги бўлмиш ёш авлодни мустаҳкам билим эгалари ва бутун дунёда тенг рақобат қила оладиган этиб тарбиялаш етакчи вазифа этиб белгиланган. Шу мақсадда “PISA” халқаро баҳолаш тадқиқотининг Ўзбекистонда ташкил этилиши ва унга масъул вазирлик ҳамда идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти томонидан ўтказиладиган “PISA” ва TALIS халқаро тадқиқотларида иштирок этиши тўғрисида”ги Қарори [2] билан белгилаб қўйилган. Мазкур ҳужжатга асосан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими, Ташқи ишлар, Адлия, Инновацион ривожланиш, Молия ва Иқтисодиёт вазирликларининг Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ўтказиладиган “PISA” ва TALIS халқаро тадқиқотларида иштирок этиш тўғрисидаги ҳамда Таълим сифатини

назорат қилиш давлат инспекцияси қошида таълим сифатини баҳолаш бўйича «Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш Миллий Маркази» ташкил этиш бўйича берилган таклифларига розилик берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонида [3] Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб “PISA” Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтингига асосан жаҳоннинг етакчи 30 та илғор мамлакатлари қаторига киришига эришиш белгилаб қўйилган. Халқ таълими тизимининг стратегик мақсадлари белгилаб қўйилган ва улар қуйидагилар: яъни умумтаълим тизимида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятини яратиш; инсон капиталини меҳнат бозорида ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш белгиланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съездида “Янги Ўзбекистон Стратегияси” [1] номли китоби тақдим этилиб, унда Янги Ўзбекистон ва Учинчи ренессансни қуриш бўйича истиқболли стратегик режалари ёритилган. Яъни, Янги Ўзбекистон орзуси ва уни амалга оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва омиллари асосида стратегик ёндашув, “Давлат инсон учун” тамойили – демократик ислоҳотлар мезони ва уларни амалга ошириш механизмлари, миллий иқтисодиётни ривожлантириш босқичлари, адолатли ижтимоий сиёсат юргизиш тамойиллари, баркамол инсон тарбиясига қаратилган маънавий тараққиёт, Ўзбекистон тараққиёти йўлида мамлакат хавфсизлиги ва оқилона ташқи сиёсат юргизиш асослари, давлатимизнинг глобал ва умумбашарий муаммолар ва уларни ҳал этиш режалари ёритилган. Биз биламизки ҳар бир соҳада “Локомотив” сифатида шу соҳа бўйича чуқур билим ва тажрибага эга, ҳалол, меҳнатсевар, жонкуяр, ақдан ва жисмонан соғлом кадрлар хизмат қилади. Демак, Янги Ўзбекистон ва Учинчи ренессансни қуриш остонасида турган эканмиз, юқоридаги вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун таълим тизимида жиддий эътибор қаратиб, меҳнат бозорига компетентли кадрларни етказиб беришимиз лозим.

Юқорида айтиб ўтилган мақсад ва вазифаларни амалга оширилишига кўра Давлат таълим стандартларида ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир компетенциялари кўрсатилган. Айниқса, “Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади”.

Коммуникатив компетенция — ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси — медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни, улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси — доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутати.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси — жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг

фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Миллий ва умуммаданий компетенция — ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси — аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини энгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутди. Мазкур компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади.

Шунингдек, ҳар бир умумтаълим фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, дунёда етакчи мамлакатлар билан баравар рақобатлашиш, ташқи ва ички сиёсат юргизишда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, келажакда Янги Ўзбекистон равнақи ва Учинчи ренессанс пойдеворини қуришда жонкуяр ва халол мутахассисларни тайёрлаш, шу билан бирга инновацион ёндашувларга асосланган узлуксиз таълим тизимини тубдан ўзгартириш бугун ўрта-умумтаълим тизимида таҳсил олаётган ўқувчилар, яъни ёшларга боғлиқ. Шундай экан уларга сифатли ва самарали билим бериш, тянч ва фанга доир компетенциявий ёндашувларга таянган таълим орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, коммуникатив ва ахборотлар билан ишлашини таъминлашимиз, миллий ва умуммаданий қадриятлар руҳида тарбиялашимиз лозим. Бу эса айтиш дамда таълим бераётган ўқитувчиларнинг компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш механизмларини жорий этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев «Янги Ўзбекистон Стратегияси» Тошкент-2021й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти томонидан ўтказиладиган „PISA“ ва TALIS халқаро тадқиқотларида иштирок этиши тўғрисида”ги 997-сон қарори. - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.12.2019, <https://lex.uz/docs/4097073>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.
4. Programme for International Student Assessment.
5. Progress in International Reading Literacy Study.
6. Trends in International Mathematics and Science Study.